

**ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ: ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ АҲАМИЯТИ  
ПАЯЗОВ МУРОД МАКСУДОВИЧ**

**Фарғона политехника институти “Менежмент” кафедраси докторанти,  
Фарғона шаҳри, fayz19700308@gmail.com  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7198274>**

Аннотация: Ушбу мақолада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда хизматлар соҳасининг аҳмияти ёритилган бўлиб. Иқтисодиёт тармоқларини тизимли ривожланиши, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат ишлаб чиқаришда аҳоли истеъмоли учун етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотларнинг мавсумийлиги ҳамда етказиб беришда узилишларни, танқислик ҳисобига нархларнинг ошиб кетишини олдини олиш, ушбу соҳаларда хизмат кўрсатувчи тармоқларни рақамлаштириш, замонавий технологиялар билан таъминлаш долзарблиги ёритилган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, иқтисодиётнинг асосий “драйвери”, сервис, хизматлар, темир-йўл хизматлари, ягона транспорт тизими, хаб.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда демографик омилларга устувор аҳамият берилмоқда. Аҳоли сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Ўзбекистон аҳолиси 1 октябрь 2022 йил ҳолатига 35821,029 млн. кишини ташкил этмоқда. Аҳоли сони 2000 йилга нисбатан 46 фоизга кўпайиши билан бир йўла унинг зичлиги ҳам ошмоқда. Бугунги кунда мамлакат аҳолиси Марказий Осиё давлатларида яшаётган жами аҳолининг 46,0 %идан ортиғини ташкил этмоқда. Шу билан бирга, ҳозирги кунда жами аҳоли таркибида шаҳар аҳолисининг улуши 36,0 фоиздан 50,6 фоизга, қишлоқ аҳолисининг эса 64,0 фоиздан 49,4 фоизгача камайган. Ушбу ҳолат озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабани кундан-кунга ошиб бораётганлигини билдиради. Шу сабабали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш орқали ҳудудларда озиқ-овқат тақчиллигини олдини олиш масалалари долзарбдир.

Тадқиқотнинг мақсади. Мамлакатла озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигини таъминлашда хизматлар соҳасининг устувор ривожлантирилишини таъминлаш.

«Инсон қадрли учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб олинди. Яъни Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш. Бу маслада озиқ-овқат саноатини ривожлантириш дастурини амалга ошириш масалалари ҳам эътибор қаратилди. Шунингдек миллий иқтисодиётни барқарорлигини таъминлашда бир қатор мамлакатимиз олдида турган масалаларни ҳал этиш учун аниқ вазифалар топширилди. Жумладан; рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш; мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш; иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш; Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш; тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш; қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш; сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислох қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш; чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5-2 баравар кўпайтириш; ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш орқали ҳудудий иқтисодиётни 1,4-1,6 бараварга ошириш; ҳудудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш; барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, логистик хабларни ташкил этиш, йирик шаҳарлар ўртасида кунлик транспорт қатновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини яратиш каби масалаларни ҳал этилишига асосий эътиборни қаратиш ҳамда мазур вазифаларни амалга оширишда барча йўналишдаги вазирик, қўмита давлат хокимияти тизимлари учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш масалаларига

эътибор қаратилиши ҳамда бажарилиши юзасидан мониторинг ишларини ташкил қилиш зарурлиги белгиланди. Озиқ-овқат хавфсизлигини бир тармоқнинг ривожланиши ёки янги тармоқни йўлга қўйилиши билан эришилмайди. Бунинг учун барча тармоқлар тизимли боғланган бўлиши лозим. Иқтисодиёт тизимли тармоқларнинг узвий боғланишида ҳамда тизимли равишда ўзаро мувофиқлик асосида фаолият юритишида деб ҳисоблайдиган бўлсак. Биз озиқ-овқат хавфсизлигини барча тармоқларни параллел равишда ривожлантириш билан эришамиз. Шу билан бир вақтда озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат эҳтиёжидан келиб чиқиб озиқ-овқат маҳсулотларнинг тақчиллиги ёки мавсумий қимматлаб кетиши ҳамда мамлакатнинг Озиқ-овқат соҳасида фаолият юритаётган соҳаларни қўллаб-қувватловчи тизим ости тармоқларни фаолиятини мувофиқлаштиририлиши муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳада давлат статистика ахборот хизматларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиши, озиқ-овқат саноати ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорт ва импорни режалаштириш имкониятидан тўлиқ фойдаланишимиз зарур. Маълумотларни йиғиш, жамлаш, уларда ҳудудий маълумотларнинг аниқлигини таъминлашда озиқ-овқат маҳсулотларнинг кординацияси билан шуғулланиувчи мутассади ташкилотлар масъулиятларини оширишлари лозим бўлади. Албатта шуни таъкидлаш лозимки. Ушбу тармоқларни қўллаб қувватлашда давлатнинг инвестиция сиёсати, солиқ сиёсати кабилар билан бир қаторда ушбу ҳудудда хизматлар соҳасининг ривожланганлик даражаси, ҳолати юқори даражада таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўздан қочирмаслигимиз лозимдир. Жумладан, бу борада Тараққиёт стратегиясида: транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш, темир йўл инфратузилмасини электрлаштириш даражасини 60 фоизга етказиш ва автомобиль йўллари тармоғини жадал ривожлантириш; транспорт соҳасида ташқи савдо учун «яшил коридорлар» ҳамда транзит имкониятларини кенгайтириш ва транзит юк ҳажмини 15 миллион тоннага етказиш билан темир йўл хизматлари орқали юк ташишни тақил этишни янада кўпайтириш масаласи озиқ-овқат маҳсулотларини манзилга тезроқ ҳамда бошқа транспорт турларига нисбатан орзонроқ тарифларда еткази бериш масалари ҳал этилишини аниқлатади. Шу билан бирга Тараққиёт стратегиясида ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 бараварга ошириш ҳамда ушбу йўналишда жами 3,5 миллион янги иш ўринларини яратиш масаларига ҳам эътибор берилган. Дарҳақиқат маҳсулотни махсус сақлаш

омборларида ҳилига қараб нисбий намлигини ушлаш даражасини ҳисобга олиб махсус холодильник хизматларига талаб бор.

Демак шундай хулосага ва таклифларга келишимиз мумкин: Мамлакатда озиқ –овқат хавфсизлигини таъминлаш барча тизимларнинг фаол, ягона мақсадли чора-тадбирлар режаси асосида йўл харитасини ишлаб чиқиш билан эришилади. Шу билан бирга замонавий хизмат кўрсатиш тизимлари фаолиятини ривожлантирмасдан туриб ушбу масалани тўлақонли ҳал этишимиз мураккабликларни пайдо қилиши мумкинлигини инобатга олишимиз лозим экан. Жумладан, ҳудудларга темир-йўл хизматларининг етиб борганлиги, йўл хизматларининг замонавий кенг полосали жаҳон талабларида таъмирланганлиги, хизматларнинг рақамлаштирилганлиги, маълумотлар базасининг ишончлиги ҳамда ушбу масалаларни ҳал этишда оператив хизматларининг йўлга қуйилганлиги. Худудларда маҳсулотни сақлаш хизматларида холодильник ҳамда етказиб беришда махсус контейнер хизматларининг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этишини унутмаган ҳолда малакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишимиз лозим экан.

#### REFERENCES

1. Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг қарори “Озиқ-овқат хавфсизлиги ва ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.04.2022 й., 09/22/147/0255-сон)
2. 2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини "Инсон кадрини улутлаш ва фаол мақалла йили"да амалга оширишга оид давлат дастури. [Электрон ресурс] [https://drive.google.com/file/d/1SzznY0I XuZ\\_adXGBEdSeLp39Agg7rp-r/view](https://drive.google.com/file/d/1SzznY0I XuZ_adXGBEdSeLp39Agg7rp-r/view) (қаралди 13.10.2022 йил)
1. M.Payazov "Инновационная политика как основная задача современной экономики". Ж: "Актуальная наука" № 3 [март,2019]. С 59-61. [Electronic source] [https://e64f9e97-223d-468f-a5fd-e095d169621a.filesusr.com/ugd/c22b2f\\_f65d49bd129a465cb1c0f059ec526c74.pdf](https://e64f9e97-223d-468f-a5fd-e095d169621a.filesusr.com/ugd/c22b2f_f65d49bd129a465cb1c0f059ec526c74.pdf)
2. Г.Хонкелдиева. “Приоритетные направления развития региональной инновационной экономики республики Узбекистан”. Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук: сборник научных трудов по материалам Международной научно-практической конференции 30 ноября 2017 г. [https://apni.ru/media/Sb\\_k-4-30.11.17.pdf#page=125](https://apni.ru/media/Sb_k-4-30.11.17.pdf#page=125).

3. M.Payazov. View of MODERNIZATION OF SERVICES ON THE RAILWAYS// Galaxy International Interdisciplinary Research Journal.-2022.[Electronic source]:  
<https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/1279>.  
(qaraldi: 27.02.2022)
4. M.Payazov. Modernization of services on the railways.// Scientific progress.- 2022. .[Electronic source]<https://cyberleninka.ru/article/n/modernization-of-services-on-the-railways>. (qaraldi: 27.02.2022)
5. M.Payazov. Научные подходы в сфер услуг: алгоритм управления внедрения НИР// Ж:Gospodarka I innowacje. 2022. Том 21. -С.131-135.[Electronic source]  
<http://www.gospodarkainnowacje.pl/index.php/poland/article/view/95>
6. Payazov, M.M., Rakhimov, Yu.Yu. (2019). Applying biomimetic approach in architecture, Zhurnal «Dostizheniya nauki i obrazovaniya» №8[9], pp. 15-16.
7. Payazov Murod Maksudovich. (2022). In Management of Enterprises in the Service Market: Method of Evaluation of Efficiency of Services. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 8, 41-47. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/tjm/article/view/1520>
8. М.М.Паязов Комилжонов, Ш. И. Цифровая экономика в системе образования Узбекистана: проблемы и их практическое решение / Ш. И. Комилжонов, М. М. Паязов // Актуальные вопросы развития современного общества, экономики и профессионального образования : материалы XVII Международной молодежной научно-практической конференции, г. Екатеринбург, 25 марта 2020 г. Т. 4 / Рос. гос. проф.-пед. ун-т. — Екатеринбург:РГППУ, 2020. — С. 100-102. [Electronic source] <https://elar.rsvpu.ru/handle/123456789/39204>
9. Ёрматов И.Т. Актуальные проблемы повышения инновационного потенциала Узбекистана Ж: Актуальные проблемы гуманитарных и социально-экономических наук № 5(11). 2017.с.70-73. .[Electronic source] <https://elibrary.ru/item.asp?id=2893803>
10. Паязов Мурод Максудович. (2022). В управлении предприятиями на рынке услуг: метод оценки эффективности услуг. Техасский журнал междисциплинарных исследований, 8 , 41-47. Получено с <https://zienjournals.com/index.php/tjm/article/view/1520>.
11. Payazov M.M. Services Market Digital Transformation can Change the World. American journal of economics and business management. Vol. 5, No.5,2022. Pp.119-126.

<https://www.grnjournals.us/index.php/ajebm/article/view/1106/1026>

12. Yuldasheva, N.A. Issues of active development of the digital economy. ISJ Theoretical & Applied Science. 05 (97). 375-379. Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS>
13. Yuldasheva, N.A. Factors influencing the personnel management system in industrial enterprises. Journal of Management Value & Ethics. July-Sept. 21 Vol. 11 No.03. SJIF 7.201 & GIF 0.626. <https://www.jmveindia.com/journal/JULY-SEPT%2021%20final.pdf>